ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Yu.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ

**АМАНОВ АБРОРЖОН АБДУЛЛАЕВИЧ**

# АХБОРОТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи.
Халқаро хусусий ҳуқуқ

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

УДК: 347.13

**Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (PhD)**

**Content of the abstract of the doctoral (PhD) dissertation**

**Аманов Аброржон Абдуллаевич**
Ахборот хизмати кўрсатишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга
солишни такомиллаштириш..........................................................................3

**Аманов Аброржон Абдуллаевич**
Совершенствование гражданско-правового регулирования
оказания информационных услуг ……………………….................................25

**Amanov Abrorjon Abdullaevich**
Improvement of civil and legal
regulations in informational service ……………...................................................45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**
Список опубликованных работ
List of published works...........................................................................................49

Автореферат Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Таҳририят-ноширлик бўлимида таҳрирдан ўтказилди.

Босишга рухсат этилди: 28.11.2018.
Бичими: 60x84 1/8. «Times New Roman»
гарнитурада рақамли босма усулида босилди.
Шартли босма табоғи 3,5. Адади: 100. Буюртма: №93

100060, Тошкент, Я. Ғуломов кўчаси, 74.

«TOP IMAGE MEDIA»
босмахонасида чоп этилди.

13. Аманов А.А. Ахборот хизмати кўрсатишга оид фуқаролик қонун ҳужжатларининг шаклланиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг кафолати // Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш – қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг муҳим йўналиши. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2015. – Б. 223-229.

14. Аманов А.А. Ахборот билан боғлиқ шартномалар ҳақ эвазига ахборот хизмати кўрсатиш шартномасининг муҳим предмети сифатида // Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари: муаммо ва истиқболлар: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2011 – Б. 345-349.

15. Аманов А.А. Ахборот хизмати кўрсатишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўрни ва аҳамияти // Ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалалари: илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2016. — Б. 88-90.

**II бўлим (Часть II; Part II)**

16. Аманов А.А. Ахборот хизмати кўрсатишнинг моҳияти хусусида мулоҳазалар // Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг Конституциявий кафолатлари: илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2011. – Б. 247-250.

17. Аманов А.А. Ахборот хизмати кўрсатиш тушунчаси ва аҳамияти // Қонунчиликни такомиллаштириш ислоҳотлар кафолати: илмий-мақолалар тўплами. – Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, 2012. – Б. 241-245.

18. Аманов А.А. Ахборот соҳасида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларининг ўзига хос хусусиятлари // Ҳуқуқшунослик истиқболлари: илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2015. – Б. 179-184.

19. Аманов А.А. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштиришда ахборот хизмати кўрсатишнинг аҳамияти муҳим омилдир // Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2016. – Б. 155-160.

20. Аманов А.А. Ахборот хизмати кўрсатиш шартномасининг тарафлари сифатида тадбиркорлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари // Ҳуқуқшуносликнинг долзарб муаммолари: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2016. – Б. 216-226.

21. Нарматов Н.С., Аманов А.А. Ахборот хизмати кўрсатишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солинишининг назарий-ҳуқуқий таҳлили // Жамиятни ислоҳ қилиш ва жиноятчиликка қарши курашнинг долзарб масалалари: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2018. – Б. 3-8.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.Yu.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

**АМАНОВ АБРОРЖОН АБДУЛЛАЕВИЧ**

# АХБОРОТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи.
Халқаро хусусий ҳуқуқ

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2PhD/Yu63 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) «ZIYONET» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбар:** | **Нарматов Нуриддин Соатмуродович**<br>юридик фанлар доктори, доцент |
| **Расмий оппонентлар:** | **Бобоқулов Сотиболди Бобоназарович**<br>юридик фанлар доктори, профессор |
| | **Бабаев Джахонгир Исмаилбекович**<br>юридик фанлар номзоди, доцент |
| **Етакчи ташкилот:** | **Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети** |

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти ҳузуридаги юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича DSc.30.08.2018.Yu.74.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «____» _________ соат ___:___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71, факс: (99871) 230-32-50; e-mail: mg-hti@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71, факс: (99871) 230-32-50).

Диссертация автореферати 2018 йил «____» _________ куни тарқатилди.
(2018 йил «____» __________ ______ рақамли реестр баённомаси).

**М.Х. Рустамбаев**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**М.М. Нурматов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, доцент

**М.Б. Усманов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

# ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
# СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
# LIST OF PUBLISHED WORKS

## I бўлим (Часть I; Part I)


1. Аманов А.А. Ахборот хизмати кўрсатишни фуқаролик - ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш // Монография. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – Б. 151.
2. Аманов А.А. Информация как объект гражданского права: теоретико-правовой анализ // Право и жизнь. 213 (3) – 214 (4) Москва -2016.– С. 32-45. (12.00.00; №18).
3. Аманов А.А. Фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида аҳборотнинг моҳияти ва аҳамияти // Тошкент давлат юридик университети Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили – Тошкент, 2015. – № 2. – Б. 24-28. (12.00.00; № 09);
4. Аманов А.А. Ахборот хизмати кўрсатиш соҳасида шартномаларнинг ўрни, тизими ва хусусиятлари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси – Тошкент, 2015. – № 3.– Б. 32-36. (12.00.00; № 12).
5. Аманов А.А. Ҳақ эвазига ахборот хизмати кўрсатиш шартномасининг моҳияти ва аҳамияти // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари – Тошкент, 2016. – № 1.– Б. 37-40. (12.00.00; № 05).
6. Аманов А.А. Ахборот хизмати кўрсатишга оид фуқаролик қонун ҳужжатларининг ривожланиши // Тошкент Давлат Юридик Университети Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили – Тошкент, 2016. – № 1. – Б. 23-26. (12.00.00; № 09).
7. Аманов А.А. Ахборот хизмати кўрсатишнинг тушунчаси ва аҳамияти // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси – Тошкент, 2016. – № 2. – Б. 75-77. (12.00.00; № 11).
8. Аманов А.А. Ҳақ эвазига ахборот хизмати кўрсатиш шартномасининг предмети ва мазмуни // O‘zbekiston Respublikasi Oliy xo`jalik sudi Axborotnomasi – Тошкент, 2016. – № 4. – Б. 35-39. (12.00.00; № 03).
9. Аманов А.А. Ахборот хизмати кўрсатиш соҳасида фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш истиқболлари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси – Тошкент, 2017. – № 1. – Б. 35-40. (12.00.00; № 12).
10. Аманов А.А. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирокида тузиладиган ахборот хизмати кўрсатиш ҳақидаги шартноманинг намунавий моделини такомиллаштириш масалалари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси – Тошкент, 2017. – № 1. – Б. 63-67. (12.00.00; № 11).
11. Аманов А.А. Ахборот хизмати кўрсатишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси – Тошкент, 2017. – № 3. – Б. 65-68. (12.00.00; № 11).
12. Аманов А.А. Развитие норм, регламентирующих сферу оказания информационных услуг в Узбекистане // Economics, management, law: socio-economic aspects of development: Collection of scientific articles. Vol 2. — Edizioni Magi, Roma, Italy, 2016. – P 111-114.

legal-information in e-form and vice-versa to set the cost for the submission of e-version legal-information through bilateral settlement.

**The structure and volume of the dissertation.** The dissertation consists of introduction, eight paragraphs including 3 chapters, conclusion, list of used literature and appendix. Dissertation consists of 155 pages.



## КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда бугунги кунни ахборотсиз, ахборот алмашинуви ва ахборот хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ахборот хизматининг ривожланиш босқичларини биргина интернет мисолида оладиган бўлсак, 1995 йилда Интернет тармоғидан фойдаланувчилар 16 миллионни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йилда – 361 миллионни, 2005 йилда – 1 миллиард 18 миллионни, 2010 йилда – 3 миллиард 263 миллионни ва 2017 йилда – 3 миллиард 580 миллионни ёки дунё аҳолисининг салкам 50% ни ташкил қилган[1]. Интернетдан фойдаланувчи шахсларнинг 60% ривожланган мамлакатларда истиқомат қиладилар, уларнинг 45% 25 ёшгача бўлган шахслардир[2].

Жаҳонда тараққиётнинг ҳозирги босқичида ахборот хизмати кўрсатиш, ахборотнинг фуқаролик-ҳуқуқининг объекти сифатида мақомини белгилаш, унинг ўзига хос хусусиятларини, ахборот хизматининг моҳияти, турлари ва уларни таснифланишини, соҳада шартномаларнинг ўрни ва аҳамиятини, ахборот хизмати кўрсатилишига бўлган талабнинг зарурати бу борада чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини тақозо этмоқда. Ахборот хизмати кўрсатишнинг замонавий институтларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш инсоннинг узвий ҳуқуқларини таъминлашда, бугунги глобаллашув жараёнларида фундаментал асос бўлиб, мамлакатларнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда ахборот эркинлиги фуқароларнинг муҳим ҳуқуқларидан бири сифатида кафолатланиб, ахборотнинг товар-пул муносабатларидаги ролини ошириш, ахборот хизматлари кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шаклларини жорий этиш[3] давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганлиги бугунги кунда ахборот ва ахборот хизмати кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996), Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги (2003), «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги (2017) қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш

[1] http://www.statista.com
[2] http://www.mcafee.com/us/resources/reports/rp-economic-impact-cybercrime2.pdf
[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги (2018) Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018) Қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги даврда нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунё ҳамжамиятида фуқароларни сифатли ва тезкор ахборот билан таъминлаш, ахборот хизмати кўрсатишни такомиллаштириш, уларни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари долзарб масалалардан бири сифатида соҳа олимлари томонидан ўрганилмоқда. Жумладан, ахборотнинг фалсафий жиҳатлари (М. Усманова, М. Якубова, Г. Гаффарова), фуқаролик жамиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни (Ж.М. Абдуллаев), конституциявий ҳуқуқий асослари (Х. Маматов), консалтинг хизматлари кўрсатишнинг иқтисодий жиҳатлари (Д. Сурмило), Интернет тизимида ахборотга бўлган тижорат муомаласининг ҳуқуқий асослари (А. Исманжанов), ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг фуқаролик-хуқуқий муаммолари (Т.А. Мўминов), ахборот хизматларини кўрсатишда Интернет тизимининг роли (А. Муҳаммадиев), ахборотнинг фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида ёки ахборот хизматлари кўрсатиш тизимида фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар қўлланилишининг умумий жиҳатлари, шунингдек хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари Ҳ.Р. Раҳмонқулов, И.Б. Зокиров, О. Оқюлов, Э. Эгамбердиев, Ш.Н. Рўзиназаров, Р.Ж. Рўзиев, Б.Б. Самарходжаев, Б.Н. Тошев, С.Б. Бобоқулов, М.Х. Баратов, Н.С. Нарматов, М.М. Мамасиддиқов, А.А. Муҳаммадиев, М.А. Усмонова, Ж.И. Бабаев, И.Р. Рустамбеков, Т.А. Мўминов каби олимларнинг ишларида тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан Л.К. Терещенко ахборотнинг ҳуқуқий мақомини, В.А. Северин ахборотга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини, В.О. Калятин Интернетда юрисдикция муаммоларини, Ф.Н. Боташева тижорат ахборотининг фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатидаги ўзига хос хусусиятларини ўрганганликларини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Аммо ушбу тадқиқотларда ахборот хизмати кўрсатиш соҳасини фуқаролик-хукуқий тартибга солишнинг муайян жиҳатлари қисман ўрганилган, холос. Лекин, мамлакатимизда ахборот хизмати кўрсатишни фуқаролик-хукуқий тартибга солиш масалалари билан боғлиқ муаммолар махсус комплекс равишда ўрганилмаган.



## INTRODUCTION (annotation of doctoral dissertation)

**The aim of the research** is elimination of proposals and recommendations to improve the civil and legal regulations in informational service.

**The object of the research** is social attitude towards informational services in the Republic of Uzbekistan.

**Scientific novelty of the research are followings:**

The necessity of participation of the bodies of self-government, non-governmental and non-commercial organizations in distributing and using legal information is grounded;

distribution and submission of legal documents according to the requirement of natural and juridical person, sending normative-legal documents and their texts, declaring official and unofficial, moreover, it comprises the implementation of legal propaganda is grounded thoroughly;

scientific and doctoral definitions of the terms “information service” and “informational service” are worked out and introduction of these definitions into the law and norms of the law is grounded;

definition of the expression of “contract in payment for information service in law and contracts” is worked out and its reflection in laws is grounded.

**Implementation of results of the research.** On the basis of scientific results of the research the improvement of civil and legal regulations in informational service has been defined:

According to the proposals of this research the article No.12, Law №-443 “On distribution and provide for the use of legal information”, of the Republic of Uzbekistan has been determined (registered by the Legislation and judicial-law committee of the Legislative chamber of the Republic of Uzbekistan on November 29, 2017, registration number 06/1-05/488 incoming). Taking the proposals into consideration provide for the use of citizens’ legal-information fund, improving people’s legal culture, furthermore, it helps to use and distribute legal information.

According to the proposals related to the characterization of detrimental information on children the article 17, Law №-444 “On prevention of children from the deleterious side of information on their health”, of the Republic of Uzbekistan has been determined (registered by the Information and communication technology committee of the Legislative chamber of the Republic of Uzbekistan on December 29, 2017, registration number 05/2-01178). The implementation of this proposals serves to set the costs of information and repay the price of information expenses, hereof, to identify age-characterization in information goods.

According to the proposals related to the distribution and submission of legal information to the natural and juridical person, the articles 13 and 20, Law №-443 “On distribution and provide for the use of legal information”, of the Republic of Uzbekistan has been determined (registered by the Information and communication technology committee of the Legislative chamber of the Republic of Uzbekistan on December 29, 2017). These proposals play the significant role in submission of legal information in need of natural and juridical person, entitle people to appeal about their activity to the state bodies and public associations, to submit costless

**The theme of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) was registered at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan with number B2017.2PhD/Yu63**

The dissertation is prepared at The Academy of MIA of the Republic of Uzbekistan

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, Russian and English) on the website of the Scientific Council (www.tsul.uz) and Information educational portal «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

| | |
|---|---|
| **Supervisor:** | **Narmatov Nuriddin Soatmurodovich**<br>Doctor of Science in Law, Associate Professor |
| **Official opponents:** | **Bobokulov Sotiboldi Bobonazarovich**<br>Doctor of Science in Law, Professor |
| | **Babaev Djakhongir Ismailbekovich**<br>Doctor of Philosophy in Law, Associate Professor |
| **Leading organization:** | **University of world economy and diplomacy** |

The defense of the dissertation will be held on ___________ «___» 2018 at __:__ at the meeting of the Scientific Council DSc.30.08.2018.Yu.74.01 at the military-technical institute of the national guardy (Address: Chorsu qurgon, Tashkent region, 100109, Phone: (99871) 230-32-71, fax: (99871) 230-32-50; e-mail: mg-hti@umail.uz).

The dissertation can be looked through is the Information resource at the military-technical institute of the national guardy (registered No. ___), (Address: Chorsu qurgon, Tashkent region, 100109, Phone: (99871) 230-32-71, fax: (99871) 230-32-50; e-mail: mg-hti@umail.uz).

Dissertation abstract was circulated ____________ «___» 2018.

(Registry protocol No.____ from _____________ «___» 2018).

**M.X. Rustambaev**
Chairman of the Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Professor

**M.M. Nurmatov**
Acting Secretary of the Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Associate Professor

**M.B. Usmanov**
Chairman of the Scientific Seminar under the Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Professor

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ «Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни шакллантириш» илмий тадқиқот ишининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ахборот хизмати кўрсатишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида ахборотнинг моҳияти ва аҳамиятини илмий-назарий таҳлил қилиш;

ахборот хизматининг моҳияти, турлари ва уларнинг таснифи бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ахборот хизматларини кўрсатишга оид фуқаролик қонун ҳужжатларининг ривожланиш тарихини ўрганиш;

ахборот хизмати кўрсатишга оид шартномаларнинг ўрни, тизими ва хусусиятларини таҳлил этиш асосида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ҳақ эвазига ахборот хизмати кўрсатиш шартномаси тушунчаси, предмети ва мазмунини таҳлил қилиб, уларнинг таърифларини ишлаб чиқиш;

ахборот хизмати кўрсатиш соҳасида тарафларнинг шартнома мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлиги асослари ва уларнинг қўлланилишини таҳлил қилиш асосида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирокида тузиладиган ахборот хизмати кўрсатиш ҳақидаги шартноманинг намунавий моделини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ахборот хизмати кўрсатиш соҳасини тартибга солувчи фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни, уларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикасида ахборот хизмати кўрсатиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлардир.

**Тадқиқотнинг предметини** ахборот хизмати кўрсатиш соҳасини фуқаролик-хуқуқий тартибга солиш асослари, механизмлари, воситалари ва шакллари билан боғлиқ назарий қарашлар, ғоялар ҳамда қонунни қўллаш амалиётидаги муаммолар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация мавзуига оид масалаларни тадқиқ этишда жамиятда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни ўрганиш, тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш, умумлаштириш, дедукция ва индукция, тизимли ёндашув, тарихий-ҳуқуқий таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, статистик маълумотлар таҳлили каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқароларнинг иштироки зарурати асослантирилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини юбориш, расмий эълон қилиш, норасмий эълон қилиш, ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборот тақдим этиш каби ҳуқуқий ахборотни тарқатиш усуллари асослантирилган;

«ахборот хизмати» ва «ахборот хизмати кўрсатиш» каби атамаларга илмий-доктринал таъриф ишлаб чиқилган ва ушбу таърифларнинг қонун нормаларига киритиш лозимлиги асослантирилган;

ҳақ эвазига ахборот хизмати кўрсатиш шартномаси тушунчасининг таърифи ишлаб чиқилган ва қонунда ҳамда шартномалар мазмунида акс эттириш лозимлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Ахборот хизмати кўрсатишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ахборот хизмати кўрсатишни ривожлантиришга, соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иштироки доирасини кенгайтиришга, истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлаш учун асос бўлади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирокида тузиладиган ахборот хизмати кўрсатиш ҳақидаги шартноманинг намунавий моделини янада такомиллаштириш бўйича таклиф ушбу соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга шароит яратади.

Диссертация натижаси бўйича ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ахборот хизмати кўрсатишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шаклларига асосланганлиги, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, фукаролик, тадбиркорлик қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни



**SCIENTIFIC COUNCIL DSc.30.08.2018.Yu.74.01 ON AWARDING THE ACADEMIC DEGREES OF DOKTOR OF SCIENCE AT THE MILITARY-TECHNICAL INSTITUTE OF THE NATIONAL GUARD OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**THE ACADEMY OF MIA OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**AMANOV ABRORJON ABDULLAEVICH**

**IMPROVEMENT OF CIVIL AND LEGAL REGULATIONS IN INFORMATIONAL SERVICE**

12.00.03 – Civil Law. Business Law. Family Law.
International Private Law

**ABSTRACT OF THE DISSERTATION OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD) ON SCIENCE IN LAW**

**Tashkent – 2018**

необходимость соблюдения основных принципов договорных отношений в сфере предпринимательской деятельности, т.е. свободы заключения хозяйственных договоров, взаимной заинтересованности сторон, соблюдение договорной дисциплины, взаимной имущественной ответственности сторон. Напоминание сторонам договорных отношений о данных правилах будет способствовать более полному пониманию ими ответственности, которую они на себя возлагают, и впоследствии послужит предотвращению различных договорных споров.

4. Образование негосударственных обществ (сообществ) и объединений в целях координации деятельности по оказанию информационных услуг в нашей стране, отражения и защиты прав и интересов субъектов, оказывающих услуги в этой сфере.

5. Совершенствование правоприменительной практики, а также подготовки и привлечения профессиональных кадров на рынок услуг в данной сфере.

6. В связи с тем, что на сегодняшний день большинство споров, касающихся деятельности по оказанию информационных услуг, возникает в результате неотражения в договорах прав и обязательств сторон, положений о качестве услуг, четких (конкретных) критериев ответственности сторон договора за невыполнение или ненадлежащее выполнение обязательств, целесообразно соответствующим судам, совместно с отраслевыми службами, реализующими контроль за законностью деятельности субъектов, осуществляющих деятельность в данной сфере, разработать типовые договора для каждого вида услуг, а также посредством организации круглых столов, конференций, семинаров по повышению правосознания и правовой культуры субъектов предпринимательской деятельности в сфере оказания соответствующих услуг, широко и в полной мере разъяснять их сущность, обеспечить указанных субъектов типовыми договорами по каждому виду услуг.



такомиллаштириш ҳамда фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида ахборот хизмати кўрсатиш, соҳада тадбиркорлик фаолияти субъектларининг иштироки ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг қўлланилиши билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради. Шунингдек, «Фуқаролик ҳуқуқи» ҳамда «Тадбиркорлик ҳуқуқи» фанлари бўйича маъруза, мунозара ва амалий машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ҳамда хулосалардан ахборот хизмати кўрсатиш соҳасини тартибга солувчи миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришда ҳамда ахборот хизмати кўрсатиш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиётида фойдаланишга хизмат қилади.

Шунингдек, тадқиқот иши натижалари Қорақалпоқ давлат университети ҳамда ИИВ Академияси ўқув жараёнига татбиқ этилган. *(Қорақалпоқ давлат университетининг 2017 йил 3 майдаги ва ИИВ Академиясининг 2017 йил 9 июндаги далолатномалари).*

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ахборот хизмати кўрсатишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги ЎРҚ-443-сон Қонуни 12-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2017 йил 29 ноябрдаги 06/1-05/488 вжх-сон маълумотномаси). Таклифларнинг инобатга олиниши ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашга, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, фуқароларнинг ҳуқуқий ахборот фондидан фойдаланишини таъминлашга хизмат қилган;

болаларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотларни таснифлашга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-444-сон Қонуни 17-моддасини ишлаб чиқилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг 2017 йил 29 декабрдаги 05/2-01178-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини белгилаш билан боғлиқ хизматларнинг ҳақини тўлаш ва харажатларнинг ўрнини қоплаш, ушбу хизматларга буюртма берган ахборот маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар ёки тарқатувчилар ҳисобидан амалга ошириш тартибини белгиланишига хизмат қилган;

ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборот тақдим этиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги ЎРҚ-443-сон Қонуни 13- ва 20-моддаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг 2017 йил 29 декабрдаги маълумотномаси). Ушбу таклифлар жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборот тақдим этишга, уларнинг ўз фаолиятига тааллуқли ҳуқуқий ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги сўров билан давлат органлари ва ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқининг кафолатланишига ҳамда ҳуқуқий ахборотни электрон тарзда тақдим этиш бепул амалга оширилишига, ҳуқуқий ахборотни қоғозда тақдим қилганлик учун томонларнинг келишувига кўра ҳақ олинишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий мазмуни ва натижалари «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг Конституциявий кафолатлари» (Тошкент, 2011), «Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари: муаммо ва истиқболлар» (Тошкент, 2011), «Қонунчиликни такомиллаштириш ислоҳотлар кафолати» (Тошкент, 2012), «Ҳуқуқшунослик истиқболлари» (Тошкент, 2015), «Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш – қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг муҳим йўналиши» (Тошкент, 2015), Economics, management, law: socio-economic aspects of development: Collection of scientific articles. Vol 2. — Edizioni Magi, Roma, Italy, 2016, «Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш» (Тошкент, 2016), «Ҳуқуқшуносликнинг долзарб муаммолари» (Тошкент, 2016), «Ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалалари» (Тошкент, 2016), «Жамиятни ислоҳ қилиш ва жиноятчиликка қарши курашнинг долзарб масалалари» (Тошкент, 2018) мавзусидаги республика илмий-амалий семинарлари ва конференциялари, давра суҳбатлари ҳамда илмий мақолалар тўпламларида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.**

Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган. Шундан, 1 та монография, диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та (шундан 1 таси хорижий журналда) мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, саккиз параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.



*определенную деятельность), не имеющую вещественной формы, а заказчик обязуется оплатить эти услуги»*, поскольку на сегодняшний день для оказания всех перечисленных в части второй статьи 703 Гражданского кодекса услуг требуется пройти в установленном порядке государственную регистрацию и иметь лицензию для оказания услуг в данной сфере.

8. Целесообразно в ГК создать совершенную правовую основу правового регулирования оказания информационных услуг, т.е. необходимо ввести в ГК соответствующие главы, параграфы и статьи. Предлагается ввести в Гражданский кодекс Республики Узбекистан главу 38[1] «Возмездное оказание информационных услуг» и систематизировать ее конструкцию следующим образом:

– прежде всего, в предлагаемой главе отразить параграф «Общие положения возмездного оказания информационных услуг», сосредоточив в нем статьи, содержащие общие особенности договоров оказания информационных услуг;

– исходя из видов возмездного оказания информационных услуг, предусмотреть одельный параграф, посвященный договорам, касающимся данных видов.

9. На основе законов Республики Узбекистан «О гарантиях и свободе доступа к информации», «О принципах и гарантиях свободы информации» и «Об информатизации» необходимо принять закон Республики Узбекистан «Об информации, информатизации и защите информации».

*III. Предложения и рекомендации по развитию практики оказания информационных услуг:*

1. Целесообразно обстоятельно разработать сторонами договора и в качестве обязательного условия указать в договоре положения о возмещении вреда, причиненного в результате невыполнения или ненадлежащего выполнения обязательств договорных отношений, касающихся оказания информационных услуг (ч.1 ст. 364 ГК), а также в случаях непредусмотрения в договоре мер ответственности за нарушения договорных обязательств необходимо применение общих правил ответственности (ст. 14 ГК) за нарушения договорных обязательств.

2. Отсутствие материального характера результатов услуг в соглашениях в сфере оказания информационных услуг, по сравнению с другими видами гражданско-правовых соглашений, порождает значительные сложности в установлении невыполнения или ненадлежащего выполнения обязательств сторонами. В этой связи большое значение имеет определение критериев ответственности путем предусмотрения в соглашениях по оказанию информационных услуг условий, касающихся качества услуг.

3. Целесообразно в соглашениях, касающихся оказания информационных услуг, заключаемых при участии субъектов предпринимательства, а также в соглашениях, касающихся всех видов оказания услуг, перед пунктами о предмете договора, в соответствии с Законом Республики Узбекистан «О договорно-правовой базе деятельности хозяйствующих субъектов», указать на

основе изучения передовго зарубежного опыта следует активизировать работу по его внедрению, а также имплементации общепринятых норм международного права в национальное законодательство.

*II. Предложения по совершенствованию национального законодательства в сфере оказания информационных услуг:*

1. В целях перевода в правовое пространство в качестве самостоятельной имущественной ценности и возможности обращения, как одной из категорий гражданско-правовых отношений, следует ввести информацию в число объектов гражданского права, перечисленных в статье 81 Гражданского кодекса, и в этом смысле целесообразно дополнить статью 81 ГК после слов *«и иные результаты интеллектуальной деятельности»* словами *«информация»*.

2. Значимость информационных услуг определяет необходимость не только разработки их теоретических и практических аспектов, но и их законодательного закрепления. Законодательное закрепление понятий «информационные услуги» и «оказание информационных услуг» послужит надежной правовой основой для субъектов, осуществляющих деятельность в данной сфере. Целесообразно введение в статью 3 Закона Республики Узбекистан «Об информатизации» понятий *«информационная услуга»* и *«оказание информационных услуг»*.

3. В целях целостной регламентации оказания информационных услуг в нашей стране целесообразна разработка и принятие Закона Республики Узбекистан «Об оказании информационных услуг».

4. В связи с тем, что на сегодняшний день в общественной жизни нашей страны отдельные виды оказания информационных услуг отражают в себе признаки, присущие публичным соглашениям, целесообразно заменить в пункте первом статьи 358 ГК слова *«услуги связи»* словами *«информационные услуги»*. Данные изменения в норме законодательства в будут способствовать равному обеспечению прав потребителей в этой сфере и обогатят правовые основы общественных отношений, касающихся оказания информационных услуг.

5. Исходя из необходимости применения правил, связанных с правовой регламентацией публичных договоров и договоров присоединения для отдельных видов соглашений по оказанию услуг, целесообразно дополнить статью 708 Гражданского кодекса после слов «*общие положения о подряде и положения о бытовом подряде*» словами *«а также положения, свойственные публичным договорам и договорам присоединения»*.

6. В целях формирования единой систематизированной гражданско-правовой основы сферы оказания информационных услуг целесообразно введение в Гражданский кодекс специальной главы $38^1$ «Оказание информационных услуг».

7. Целесообразно часть первую статьи 703 Гражданского кодекса после слова *«исполнитель»* дополнить словами *«(субъект, уполномоченный оказывать услугу)»* и *«по договору возмездного оказания информационных услуг, исполнитель (субъект, уполномоченный оказывать услугу) по заданию заказчика оказать услуги (совершить определенные действия или осуществить*



## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Диссертациянинг кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ҳамда предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларнинг натижаларини амалиётга жорий этилиш ҳолати, шунингдек нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Ахборот хизмати кўрсатишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солинишининг назарий-ҳуқуқий таҳлили»** деб номланган бўлиб, у уч параграфни ўз ичига олади. Ушбу бобда ахборот - фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатидаги моҳияти, ахборот хизматининг моҳияти, турлари ва таснифланиши ҳамда ахборот хизмати кўрсатишнинг фуқаролик қонун ҳужжатларида тартибга солиниши таҳлили тадқиқ этилган.

Диссертант фикрича, «ахборот» тушунчаси ва унинг айрим турларига берилган таърифлар, билдирилган фикрлар таҳлилидан келиб чиқиб, «ахборот» тушунчасини умумлаштириш, инсонларнинг жамиятдаги ўзаро муносабатлари ва фаол турмуш тарзи олиб боришларида бевосита таъсир кучига эга бўлган ушбу тушунчанинг турли қирраларини яхлитлаш «ўта мушкул иш» деган хулосага келиш мумкин. Бунинг асосий сабаби «ахборот» тушунчасининг кенг маънода турли соҳаларда қўлланилиши ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги кундалик тушунчалар билан сингиб кетганлигидадир.

Тадқиқот ишида ахборотнинг тарқатиш, узатиш, етказиш, қайта ишлаш каби амалларни бажара олиш мумкинлиги, унинг объективлиги, аниқлиги, яхлитлиги, тўлиқлиги ҳамда жамият ижтимоий ҳаётидаги барча соҳаларни ўзида қамраб олиши лозимлигини ҳисобга олиб, унга қуйидаги таъриф берилган: «*Ахборот – бу тарқатиш, узатиш, етказиш, қайта ишлаш каби амалларни бажара олиш мумкин бўлган, объектив, аниқ, яхлит, тўлиқ ҳолда жамият бошқарувида ҳамда инсон билан жамиятни боғлаб туришда асосий хизмат қилувчи хабар, билим, бирор-бир иш ҳолати ёки вазияти, фаолияти ҳамда шарт-шароити тўғрисидаги маълумотдир*».

Диссертацияда ахборотнинг фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатидаги ўзига хос хусусиятларни таҳлил қилишда унинг қуйидаги белгиларга эга эканлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган:

биринчидан, *ахборотнинг объективлиги,* яъни, ахборот содир бўлган воқеа-ҳодисага, жараён ва ҳолатларга айнан мос бўлиши;

иккинчидан, *ахборотнинг аниқлиги,* яъни, тақдим этилаётган ёки етказилаётган ахборот истеъмолчилар учун тушунарли, аниқ ҳолда бўлиши;

учинчидан, *ахборотдан қайта-қайта фойдаланиш мумкинлиги,* яъни ушбу фаолият истеъмолчиси ўзи олган ёки эгалик қилаётган ахборотдан бир неча бор, такрор фойдалана олиши;

